Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◎ № 98 (7. 187) ◎ 1990 йил 30 апрель, душанба Бақоси 3 тийин

Яшасин 1 Май — меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни! Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

(КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил 1 Май Чақириқларидан).

БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!







ҚАЛБ ҲАРОРАТИ

ВАТАНИМИЗНИНГ турли бурчакларидан келган қурувчилар азим шаҳримизда қўплаб турар жой биноларини қуришган, мактаб, болалар боғчалари, олий ўқув юртларини ишга туширишган. Дўстлик ва қардошликнинг шарофати билан бунёд бўлган ана шундай мўътабар жойлардан ўтиб қолсангиз беихтиёр «Қаторда норинг бўлса, юкинг ерда қолмайди» деган ажойиб нақлни эсга оласиз.

Пушкин кўчасидаги «Дўстлик» турар жой иншоотлари ҳам ўзига хослиги билан киши эътиборини тортади. Унинг дастлабки навбатидаги 18 қаватли, ҳар бири 75 хонадонли тўртта янги уйнинг ишга туширилганига кўп бўлгани йўқ. Москвалик бинокорлар унинг ёнида яна шунча уйни сифатли қилиб тиклаб бердилар. Эндиликда бу уйларда пардозлаш ишлари қизғин бормоқда. 11-баланд иморатлар қурилиши ва пардозлаш трести бунёдкорларининг самарали меҳнатлари эвазига «Дўстлик» қаватларига алоҳида файз киряпти.

— Учинчи кварталда иншоотдаги учта янги уйнинг калитини ҳамшаҳарларимиз қабул қилиб оладилар, — дейди 17-қурилиш бошқармаси устаси Олимжон Ҳайдаров. — Иншоотдаги сўнгги уй эса йилнинг охирида ишга туширилади. Уйларнинг тагида аҳолининг турли соҳага бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган қатор расталар — бозор этилади. Бошқармамиздаги иккита махсус бригада пардозлаш трести бинокорларига иш кўламини яратиб бермоқда. Ҳар бир уйда ҳозир камида бештадан ҳонадон намуна учун пардоздан чиқариб ҳозирлаб қўйилди. Қолган хонадонлар ҳам тез суръатлар билан сайқалдан чиқарилмоқда. Бу эса дўстлик иншоотининг ишга туширилишига оз фурсат қолаётганлигидан далолат бериб турибди. Турли миллат вакиллари бу ерда аҳил меҳнат қилишмоқда. Жамил Қаюмов, Борис Казанков, Лилия Баранова сингари тажрибали бригадирлар, Юрий Сурнин, Иброҳим Курбонов, Кодирбой Киябаев, Виталий Черпков сингари ишбилармон қурувчилар бинони тиклашда москвалик ҳамкасбларидан қолишмасликка ҳаракат қилишяпти.

— Мақсадимиз битта, — дейди электр пайвандчи Виталий Черпков. — Меҳнатимизнинг маҳсули бир бизга эмас, янги уйларда яшовчи оилаларга ҳам қувонч бағишласин.

Ҳақ гап. Шундай дориламон замонда янги уйдан ҳамманинг бирдек кўнгли тўлишига нима етсин. «Дўстлик» иншооти нодир иншоот. У қалблардан ҳарорат олган. Одамларнинг бир-бирига бўлган меҳру-муҳаббатидан қад кўтарган. Шундай экан, бу меҳр одамлар қалбига яхшилик уруғларини сочаверади.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ.

СУРАТЛАРДА: қурилиш майдони электрчиси Виктор Анисин; Борис Казанков бошлиқ жамоа аъзолари; иншоотнинг ташқи кўриниши.

Х. Мирзакаримов суратлари.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

28 апрель куни Тошкент шаҳар партия комитетининг VIII пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда XXVII Тошкент шаҳар партия конференциясининг материаллари кўриб чиқилди. Шу масала юзасидан Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. И. Фозилбеков сўзга чиқди.

Музокараларда Тошкент шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси В. Н. Дмитриев, бадиий буюмлар фабрикасининг каштачиси М. З. Пўлатова, «Ташинжстрой» трести партия комитетининг секретари В. В. Кожедуб, Тошкент метрои қурилиши трестининг бригада бошлиғи Г. Б. Люстер, Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси М. И. Хўжаева, В. П. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлим бошлиғи Г. В. Шевелева, 2-автомобиль комбинати партия комитетининг секретари Л. В. Клестов, Чилонзор район партия комитетининг биринчи секретари О. Ж. Исмоилов, Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари Ш. Т. Нусратов сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Шаҳар партия комитети бюросининг мажлисида 1990 йил ва ўн иккинчи беш йиллик режа-топшириқларининг бажарилишини таъминлашга доир қурилиш комплекси партия ташкилотларининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Шу йилнинг биринчи кварталида эришилган баъзи ижобий силжишларга қарамай, қурилиш комплексининг, айниқса 4-махсус трестнинг, 12-қурилиш трестининг, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети капитал қурилиш Бош бошқармасининг, «Узглавстройдревпром»нинг партия комитетлари ва партия бюролари ташкилотчилик ишлари билан етарли даражада шуғулланишмаяпти, раҳбар коммунистларга нисбатан талабчанликни сусайтириб юборишган, деб қайд этилди. Айрим район партия комитетлари зарур назоратни амалга оширишмаяпти, қурилиш комплекси партия ташкилотларининг ишига қатъият билан партиявий баҳо беришмаяпти, қувватлар ва объектларни ишга тушириш режаларининг бажарилишидаги жиддий камчиликлар ва нуқсонлар билан муроса қилиб келишаяпти. Район ижроия комитетларининг «Уй-жой — 2000» ва «Маҳалла» дастурларининг бажарилишига таъсири ҳам талаб даражасида эмас. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошида «Тошкент-тикланиш» қурилиш бирлашмасини ташкил этишга доир ташкилотчилик ишлари йўл қўйиб бўлмайдиган даражада чўзиб юборилди.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган қарорда қурилишларнинг партия ташкилотлари фаолиятини яхшилашга доир туркум тадбирлар белгиланди.

Бюро мажлисида маҳалла комитетлари фаолиятини янада яхшилашга доир тадбирлар тўғрисида шаҳар партия комитети ва шаҳар ижроия комитетининг қўшма қарори қабул қилинди. Жумладан, унда район партия комитетларига шу йилнинг 1 июнига қадар маҳалла (мавзе) комитетлари ҳузурида уставдан ташқари партия ташкилотларини тузиш тавсия этилди. Маҳалла (мавзе) комитетларининг зарур молиявий, иқтисодий ва ҳуқуқий кафолатларини таъминлашга, уларнинг иш усуллари ва шаклларини такомиллаштиришга доир тадбирлар белгиланди.

Шаҳар партия комитети бюросининг мажлисида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Тошкент—жаҳонга

ХОРИЖИЙ ХАРИДОРЛАР УЧУН

Маҳсулотлари фақат ҳамшаҳарларимизга ёки мамлакатимиз аҳолисига эмас, ҳатто чет эл мамлакатларига ҳам маъқул тушаётган корхоналар сафи Тошкентда йил сайин кенгайиб боряпти. Бу қувончли албатта.

Ҳозир 30 дан зиёд корхона ва ташкилот ташқи иқтисодий алоқалар олиб бормоқда.

Агар 1989 йилда хорижга 38,9 миллион сўмлик маҳсулот жўнатган бўлсак, бу 1988 йилга нисбатан 1,9 миллион сўмлик кўп эди.

Чет элга чиқарилаётган маҳсулотларнинг асосий қисмини (салкам ярмини) машина ва дастгоҳлар ташкил этади. 28,6 фоизи эса хом ашё, материаллар ва кенг истеъмол буюмларидир.

Совет Иттифоқининг техникавий кўмагида чет элларда бунёд этилаётган иншоотлар қурилиши учун юборилаётган дастгоҳ ва материалларнинг айримлари ҳам Тошкент ҳиссасига тўғри келади.

Энди хорижда ўз харидорига эга бўлган корхоналар қайсилар, дерсиз? Марҳамат: Тошкент тўқимачилик машинасозлиги, Ўрта Осиё кабель ишлаб чиқариш, СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи», «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмалари, «Узвторцветмет», «Компрессор» корхоналари ва тўқимачилик комбинатидир.

Чет элликлар бизнинг газлама, телевизор, гилам, трикотаж маҳсулотлари, соатлар ва сурат олиш учун ишлатиладиган молларимизга ишқибозлар.

Хўш, бунинг эвазига биз чет элдан нималар оляпмиз? Чет эл мамлакатларидан асосан тикувчилик буюмлари, трикотаж маҳсулотлари, пойабзаллар, шунингдек упаэлик маҳсулотлари олиняпти.

Х. АКРОМОВ.

ЁРУҒ ЮЗ БИЛАН

◎ СССР 50 ЙИЛЛИГИ номли «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси баҳор байрами 1 Майни ёруғ юз билан кутиб олди. Жумҳурият пахтакорларини қудратли техника билан таъминлаш билан бир қаторда хорижий мамлакатлардан олинган буюртмаларни шараф билан бажарди. Тунис, Кубага 47 трактор, шунингдек қулай аравалар (прицеп), Монголияга 65 та, Афғонистонга 70 та, Вьетнамга 40 та, Кубага 286 та юборилди.

Шу билан бир қаторда халқ истеъмоли буюмлари тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Айни кунларда элликка яқин турдаги истеъмол буюми тайёрланмоқда. Бирлашмада тайёрланаётган буюмлар орасида мактаблар учун спорт буюмлари, болалар боғчалари учун арғимчоқлар, дурадгорлик асбоблари ва бошқа зарур нарсалар бор.

Корхонада тайёрланган истеъмол буюмлари 7 миллион 200 мингдан ошиб кетди.

Д. АҲМЕДОВ.

МИЖОЗЛАР КЎПАЙМОҚДА

◎ «ПОДЪЕМНИК» ИШЛАБ чиқариш бирлашмасининг цехлари ва ишлаб чиқариш бўлинмаларида серунум дастгоҳларни кўпайтириш ишларига эътибор қаратилмоқда. Айниқса рақамли дастур билан бошқариладиган дастгоҳларнинг ишга туширилиши ва ишлаб чиқаришнинг илғор усулларини корхона ютуқларини бойитмоқда.

— Омилкорлик ютуқлар гаровидир, — дейди давлат қабули бошлиғи Т. Холмуродов. — Ўтган йил якунига кўра қатор ютуқларни қўлга киритдик. Жамоамиз байрамолди вахтасида меҳнат қилиб топшириқларини шараф билан уддалаб келмоқда. Биргина хорижий буюртмаларни бажарилишини олайлик. Корхонамиз маҳсулотларини, оладиган харидорларимиз яна биттага кўпайди. Корхонамиз маркаси туширилган электр кран Хитойга жўнаб кетди. Шуниси қувончлики, бирлашма жамоаси янги цехига эга бўлди. Айни кунларда такомиллашган, роботлаштирилган ускуналар ўрнатилмоқда.

Д. АСАДОВ.

Муносиб ҳисса

Ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилини кўтаринки руҳ билан бошлаган Тошкент чинни заводи ишчилари ҳар бир имкониятлардан унумли фойдаланиб смена топшириқларини мунтазам 120—130 фоиз адо этиб, корхона ютуқларига муносиб ҳисса қўшишмоқда. Жумладан биринчи квартал якунига кўра 15 миллион 100 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Шунингдек корхонада бир қатор янги маҳсулотлар ўзлаштирилди. 1 Май арафасида совғалар, чинни буюмлари термаларининг янги туркуми савдо тармоқларига юборилди. Шу билан бир қаторда корхонанинг янги чойнак тайёрлаш линияси ишга тушди.

Д. АҲАДОВ.

Ҳайдовчиларга қулайлик

◎ БЎГУН Юнусобод даҳасининг 19-мавзесидаги Ҳалқа йўл ёнида автомобилларга ёқилғи қуйиш тармоғи ишга тушди. Бу ерда ҳайдовчилар бензин олиш ва ёғ алмаштириш имкониятига эга бўладилар.

Шунингдек, тармоқ ёнида кичик савдо шохобчаси ҳам бор.

Шоирлар билан учрашув

◎ ПОЙТАХТДАГИ 127-мактабда «Ешлик» жаридаси ходимлари билан шеърият ихлосмандларининг қизиқарли учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда шоирлардан Носир Муҳаммад, Усмон Қўчқор, Яшар Қосимов, Абдул Жалил ва Асрор Мўминовлар ўқувчиларга ижодларидан намуналар ўқиб беришди. Бўлиб ўтган бу шодиёна йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Мактабнинг «Еш доирачилар» тўгараги қатнашчилари меҳмонларни ўз санъатлари билан хушнуд этишди.

Футбол

САФАРДАГИ МАҒЛУБИЯТ

Кеча биринчи лига командалари футбол бўйича мамлакат биринчилигининг навбатдаги тур учрашувларини ўтказишди. Воронеж шаҳрида маҳаллий «Факел» жамоаси билан учрашган «Пахтакор» футболчилари 1:3 ҳисобида мағлубиятга учрадилар.

Шу турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Кубань» — «Спартак» — 0:2, «Динамо» (Сухуми) — «Котайк» —1:0, «Зенит» — «Шинник», — 0:1, «Нефтчи» — «Геолог» — 6:0, «Нистру» — «Кузбасс» —2:0, «Металлург» — «Локомотив» (Москва) — 0:0, «Локомотив» (Горький) — «Қайрат» —3:2.

Янгиликлар Воқеалар Хушхабарлар

Тежалган ҳом ашё ҳисобига

◎ ЎЗБЕКИСТОН рангли металларни қайта ишлаш жумҳурият ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз маҳсулотини мамлакатимиздаги ва чет эллардаги ўнлаб буюртмачиларга юборди. Буюртмачи корхоналарнинг жамоалари металл қўймаларини ўз вақтида олаётганликлари учун пойтахтимиз металлсозларига миннатдорчилик билдирмоқдалар.

Жамоа алюмин қўймалари тайёрлаш бўйича ойлик топшириқларини 102,4 фоиз адо этди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш, хом ашё ва материалларни, электр қувватини тежаш соҳасида ҳам ютуқларни қўлга киритди. Корхона ишчилари бутуниттифоқ меҳнат байрами шанбалигида шу тежалган материаллар ҳисобига ишлашди.

Д. МУРОДОВ.

Режага қўшимча

◎ ШАҲАР йўл қурилиши ва таъмирлаш трестининг асфальт-бетон заводи жамоаси тўрт ойлик топшириқларини БУГУН муддатидан олдин бажарди. Корхона ишчилари топшириққа қўшимча 28 минг сўмлик маҳсулот тайёрлашди.

О. ДИЛМУРОДОВ.

Уйсозлар совғаси

◎ 2-УЙСОЗЛИК комбинати жамоаси баҳор байрами кунида учта 9 қаватли 327 хонадонга мўлжалланган турар жой биносини фойдаланишга тахт қилиб қўйди. Бу бинолар Узоқов кўчаси, «Себзор» даҳаси ва генерал Петров кўчаларида жойлашган.

Ўз вақтида

◎ ТОШКЕНТ САНОАТ қурилиш трестига қарашли 8-автокўчалик шаҳримиз саноат қурилиш жабҳаларига турли хил бинокорлик ашёларини ўз вақтида етказиб бериш, қурувчиларнинг туриб қолмасликлари учун жонбозлик кўрсатмоқда.

БУГУН жамоа 36 та юкларни ўзи тўкадиган «ЗИЛ» маркали автомашиналардан олди. Бу қурилиш ашёларини бинокорларга ўз вақтида етказиш имконини беради.

Д. АЗИМОВ.

Бири-биридан чиройли

◎ 2-УЙСОЗЛИК комбинати жамоаси айни кунларда байрамолди вахтасида туриб меҳнат қилмоқда. Улар ҳамшаҳарларимизга «Себзор» даҳасида 45 хонадонли ва Чилонзор даҳасининг 31-мавзесида иккита 90 хонадонли турар жой биносини фойдаланишга топширишди. Бино лойиҳаси «Ташгипрогор» институтида тайёрланган бўлиб, қатор қулайликлар яратилган. Ойнаванд айвонлари, дид билан ёпиштирилган гулқоғозлар эса бири-биридан чиройли.

Д. ОБЛАЕВ.

Юқори сифатда

◎ ЖУМҲУРИЯТ аграр саноати ремонти илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг тажриба ремонт-механика заводи жамоаси ўн иккинчи беш йилликнинг сўнгги йилида қишлоқ механизаторлари буюртмаларини тез ва соз бажармоқда.

Корхона БУГУН 1 Май арафасида 4 миллион 375 минг сўмликка яқин маҳсулот реализация қилиб, 4 ойлик учун белгиланган топшириқни муваффақиятли адо этди. Бу маҳсулотнинг асосий қисми ҳайдов трапторлари учун двигателлар ва ҳар хил эҳтиёт қисмлардир. Жамоанинг шу пайтгача таъмирлаб жумҳурият хўжаликларига жўнатган юқори сифатли двигателлари 7 мингтани, эҳтиёт қисмлари эса 1 миллион сўмликдан ошиб кетди.

Д. ҚАЛАНДАРОВ.

Анъаналар—халқ мулки

ШОДИЁНА ЭТАДИ ДАВОМ



Қўйиничи, ҳар бир халқнинг шиори ҳам шу ерда, дейдим ҳам, олими-ю ишчиси ҳам шу ерда. Байрам тантаналари бутун оқшом узоқ давом этди. Дўстлик базми унинг гар бир ништ,оқичида таассуротини қалбига гўё шундай яхши қолдирди.

Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у вайрона ҳам.
Дўст қадам қўймас эса вайронадир кошона ҳам.
Интизор ҳар уй диловар дилкушолар базмига,
Гар қадам қўйса қабодир, ишгилай остона ҳам.
Яхши дўстлар даврасида оқилурсан ҳар замон,
Кўрки шода ичра тошгай марварид дурдона ҳам.

Фируза ҲУСАНОВА.

Ўзбекистон халқ артисти Ғайрат Эргашев ва Мавжуда Орзиева.

Х. Мирзакаримов суратлари.

Дил сўзлари

«ТОШКЕНТ—БИЗ УЧУН ҚАДРДОН ШАҲАР»

⊙ Тошкент азалдан биродарлик шаҳри. Бу ерда кўплаб хорижий мамлакатлардан келиб таълим олаётган талабалар, ҳамкорлик корхоналарида меҳнат қилаётган мутахассислар пойтахт аҳолиси билан яноқ яшаб, ишлаб таълим олмоқда.

Бугун улуг айём — Халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрами арафасида ўтган тошкентлик меҳнаткашлар билан кўпгина талабалар, биз хорижий талабаларнинг бир нечтаси билан суҳбатда бўлдик.

Ан ТХО,
Тошкент Давлат дорилфунуни талабаси.

— Бахор байрами — сершарф, байрамдир. Айниқса Тошкентда иккинчи бор 1 Майни дўстлар даврасида кутиб олар экаман, умримнинг энг ёқимли, омадли даврлари шу бўлиб қолади. Мен ҳар доим намойишдан тўлқин экаман, тинчлик шиорини кўтариб бораман. Сабаби, ҳеч бир халқ Ватани халқидай ушоқ жанг қилмагани. Бу урушда кўп қариндошларимдан жудо ҳам бўлдим. Бугун — Халқаро бирдамлик куни экан, менинг азиз ниятим шу. доимо бирдамлик бўлсин.

Тхина МАКТХ,
Тошкент медицина институти 4-курс талабаси.

— Тошкент табиати жуда гўзал. Мен ҳинд қизи, тўртинчи курс бор 1 Май байрамини институтда кутиб олянман. Медицина институтида таҳсил олар эканман, Ўзимни бахтли деб ўйлайман. Ҳалиги қимматбаҳо тошни ярим этиб, қизга олиб, деб ном қўйибди.

Сулувлиги билан ўн тўрт ёшидаёқ Ажиннинг номи ер юзига таралибди. Шундай қилиб, қизга ҳуштор бўлганлар нинг сони кундан-кунга ошиб боравериб ди. Бу хабар хонга ҳам етиб боribди. Хон ҳиндан ўзидаги бўлиб, соччи юборибди. Бироқ, Ажиқ унинг давлатига ҳам, шон-шуҳратига ҳам қизиқмабди, розилик бермабди.

Жаҳлига минган хон лашкар тўплаб, тўсатдан ўзбекка ўтибди. Қизнинг етти акаси синглисининг номуси учун жангга кирибди. Ғалаба қозонибди. Хорazм шаҳзода лари ғолиблигини эшитиб, Ажиқни олиб кетибди. Ажиқ ўзбек йигитларининг ҳам, қизларининг ҳам ҳаётини ўзгартирибди.

Ҳозир Ажиқ Тошкентда яшайди. Ўзбек тилини ўрганиб, ўзбек халқининг ҳаётини ёзмоқда.

Ажиқ.

Қадимий ҳикоятлар

САККИЗ ЧИНОР

ҚАДИМ замонда Кўкламбек исмли боғбон йигит ўз номига муносиб Ойсулув деган қўлдан ишқ ўйланибди. Ойсулув етти фарзанд кўрибди.

Бир куни кенжа ўғли йўл бўйидан қарағай кўчатларидаги «алп-юлта» этган тош топиб олибди. Бунинг қандай тош эканини билиш учун донишманд чолга кўрсатибди.

— Чироғим ва ялтироқ бўлгани билан бу тошнинг ҳеч қандай хосияти йўқ, далага ўлоқтириб юбориш керак. Сабаби, Ойсулув қизи кўради, кейин нораста бошларингга қайғу-ҳасрат келтиради, — дебди донишманд.

Бироқ кенжа ўғли тошни ташлашга кўзи қиймабди. Боласнинг кўнглига қараб, ота-онаси ҳам донишманд чолнинг сўзига эътибор беришмабди.

Шундай қилиб, ой-куни етиб Ойсулув қиз туғибди. Ҳалиги қимматбаҳо тошни ярим этиб, қизга қалқа деб ном қўйибди.

Ойсулувлари билан ўн тўрт ёшидаёқ Ажиқнинг номи ер юзига таралибди. Шундай қилиб, қизга ҳушгор бўлганлар нинг сони кундан-кунга ошиб боравериб ди. Бу хабар хонга ҳам етиб боribди. Хон ҳиндан ўзидаги бўлиб, соччи юборибди. Бироқ, Ажиқ унинг давлатига ҳам, шон-шуҳратига ҳам қизиқмабди, розилик бермабди.

Жаҳлига минган хон лашкар тўплаб, тўсатдан ўзбекка ўтибди. Қизнинг етти акаси синглисининг номуси учун жанга кирибди. Ғалаба қозонибди. Хорazм шаҳзода лари ғолиблигини эшитиб, Ажиқни олиб кетибди. Ажиқ ўзбек йигитларининг ҳам, қизларининг ҳам ҳаётини ўзгартирибди.

Ҳозир Ажиқ Тошкентда яшайди. Ўзбек тилини ўрганиб, ўзбек халқининг ҳаётини ёзмоқда.

Ажиқ.

Болалар боғи

САЛОМГА АЛИК

Бир саломга, бир алик
Бу қандайтинг, биргалик.
Дўст, қадрдонлик алиги,
Салом деган куллас калом.
Салом деган мевасиз
Ҳам мевадир, ҳам савоб.
Бу кишининг эҳтиёти,
Яшилар деб ишлаган.

ҲАЛОЛЛИК

Болалигидан сахий бўлинг,
Қаттиқ бўлмасин,
Бошқаларнинг ошиғи сиз
Қатиқ бўлмасин.
Ўз кўзингиз билан боринг,
Ҳалол бўлинг.
Чалмангинг кеч.
Уринингизни кишиларга
Алишиманг ҳеч.
Тўғри бўлинг, ҳалоллиқдан
Унар кишн,

Ҳалоллиқни касб этмоқлик
Мардликнг ишн...

ДАДАМЛАР

Курилишга бошлиқ мени —
Дадамлар,
Кўп кўчаларда, қурматлашар
Одамлар.
— Қайта қуриш даврн —
дерлар
Ишн керак.
Палон бино учун шунча
Гишт керак,
Ёғоч-тахта, темир-бетон,
Қоришма —
Керакмн, дейт Сену, менга
Ҳаммаси.
Тошқинларни бажаришар
Одамлар.

ҲАРАКАТ

Ўйлайверган одамнинг,
Бошн катта бўлади,
Бу ҳам бадан-тарбня,
Ҳаракатда бўлади,
Бош-оёқ, кўп ҳаммасн,
Нежн аъзойимиз бор.
Ҳаракатда, аввалом,
Соғлом, тетик, бегубор.
Одамнинг қандайбнги,
Кетганн, кечкн ишдн
Кучлнкмн, кучсизлнгн,
Шу ҳаракат туфайлн.
Ҳаракат-қанот инсон,
Ҳолласак у, учирар.
«Ҳнн бекорга олмас,
Ақлсчн ўқувчилар.

Толиб НУЛДОШ.

Муштарийлар учун учрашув

ҚЎШИҚ КУЙЛАШ БАХТИ



⊙ Хушовоз хонанда Ўктам Аҳмедов нинг исмини «Ялғиз ағасиман» ёхуд жумқуртиятимизга ёйди. Санъаткор бугун ғолиб ғолтда иннкатдор. Хозирда у Комилжон Отаниёзов номли Ўзбекистон Давлат филармонияси қошидаги Хорёзм ашула ва рақс ансамблнда бадиий раҳбарлик қилмоқда. 1 Май Байрами арафасида мухбирнмиз у билан учрашиб суҳбатлашдик:

— «Ялғи» ансамблида узоқ йиллар ишлаганингдан бехад хурсандмак. Нега деганда, бу санъат даргоҳида кўп нарсани ўргандинг. Кўп мухлислар орттирдинг. Кўпгина — Нордани, Эфиопия, ГДР сингари мамлакатларга боринглек бахтга муяссарлиқ бўлдинг. бугун эса ўзинг ялғи дан бир ансамбль бошлиқи қилаяпсан. Хозирча ҳаммаси яхши 43 нафар санъаткор хизмат қилмоқда. Улар орасида Ўзбекистон халқ артисткалари Тер-Восконова Светлана Худойбергановна сингари ва ардоқлаган санъаткорлар бор.

— Ансамбль фаолияти яхши чиқиши умуман нимага боғлиқ? Қайси қўшиқларингиз ўзингизга ёқади?

— Ансамбль фаолияти яхши чиқиши биринчи галда шеърга боғлиқ. Агар шеър тушунарли, мазмунли ва ўзинги бўлса, яхши қўшиқ ҳосил қилиш мумкин. Ансамблимиз Марказий анданият ва истироҳат боғининг оркестри бинчи ўринни эгаллаб фестиваль голибн бўлишда. Шунингдек, «Эртанги ҳаёт» ансамблида ўзбек халқ қўшиқларини ижро этиш билан бирга, ўзимиз, тандир» менга тушмайдиган айлни рубарў қилишга ҳаракат қиламиз. Ана шу ўзимизга хусусиятларни ўчун рафлаётган ашулаларни беллаб ҳузурланаман. Катта ўғлим Аъзобек санъатни жон дилидан севади. Хозир унинг ўзи мустақил ижодий қўлида. Қўшиқлар ёзяпти. Ашулаларнинг ёзилиши мумкин. Бирод, халқнинг юраги ҳақида сўзлайдиган янги қўшиқлар ҳам насиб этаверсин. Шундай санъаткорнинг халқнинг ёлғиз қолади. Шу айём арафасида «Тошкент оқшоми» газетаси орқали барчадан меҳрибонлик билан табрикдаб, ишларида ҳам ютуқлар ёғилишини тилаймиз.

— Ўктамжон, энг аввало ўзинг айёмингиз муборак бўлсин.

— Раҳмат. Сизни ҳам табриклаймак!

— Кадим-қадимдан Хорazм санъатни кишиларни ҳайратга солиб келади. Шундай эмасми, Ўктамжон. Сизнингчи, нега шундай?

— Менимча, бу нарса юрт табиати билан боғлиқ. Она юртимнинг офтоби, одамларнинг сабр-бардошн ўзгача. Чунки унинг жўшқин дарёси, балиқларга тўла зумрад кўларн бор. Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами, чўл-саҳроларн ҳам ўзгача. Мана шу олам унинг санъатига таъсир кўрсатмай ўзмайдн.

— Кейинги пайтлар ўлкамизнинг тараддигнга эътиборни кучайтирилди. Сиз ҳам шу ҳақда ашулалар ёздингиз. Ўзингиз бу ҳақда нима дейсиз? Ўз ансамблингиз ҳақида нимя дейсиз?

Суҳбатдош **Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.**

Тарих солномасидан

26 минг йилда бир марта

БАҲОРНИНГ бегубор, ойдин кечаларида осмонга назар ташлаб қолсангиз, одатда нур сочиб порлаб турган юлдузлар, сайёралар гўё абадул-абад осмон гумбазига маҳкамлаб қўйилгандек туюлади. Ана шу олисдаги юлдузлар фикру хаёлимизни чулғаб, мушоҳадаларга ундаб туради.

Бизга энг яқин юлдуз Қуёшдир. Ер-Қуёш муносабатидан ёки фаслларн, тун-кун узунликларини пайдо бўлиши. Бунинг асосий сферасида Қуёш атрофидаги йиллик ҳаракат бўлса — эклиптика деб аталади. Қуёш осмон сферасининг жанубий ярим шаридан шимолий ярим шарига ўтаётганда кесишган нуқтаси баҳорги, ва аксинча, шимолий ярим шардан жанубий ярим шарга ўтаётганда кесишган нуқтаси куэги тенгкунлик — эквинокция деб аталади. Бу нуқталарда қуз билан тун тенг бўлиб, улар Ҳут ва Мезон юлдуз юлдуз туркумларида жойлашгандир. Тенгкунлик нуқтасини ўзларга қилиб ўтган юлдуз туркумларини номлари ва ифодалари билан белгиланади.

Эрамиздан илгари 1250 йилда Фарaон Рамзес II Нил дарёсининг чап қирғоғида Абу-Симбел деган шундай қудурғанки, тонг отарда ҳамал юлдуз туркуми қўлдузлари кўринар бошлаб, сал-пал чиқиши шу бўлишидаёқ ер юзидаги барча ёруғ юлдузларни кўзга ташлаб, осмонда ҳаракатланаётган Қуёш нури та ютдузлари орасидаги масофа бетгадан кўпроқ эканлигини аниқлаган олим-и Эратосфен эди. Эратосфен ҳисобларини ишлатиб, ер шарининг радиусини ҳисоблаб чиқди. Ер шарининг радиуси 6400 км эканлигини аниқлади. Эратосфен ҳисобларини ишлатиб, ер шарининг радиусини ҳисоблаб чиқди. Ер шарининг радиуси 6400 км эканлигини аниқлади. Эратосфен ҳисобларини ишлатиб, ер шарининг радиусини ҳисоблаб чиқди. Ер шарининг радиуси 6400 км эканлигини аниқлади.

Кассиопея юлдуз туркуми — бетта юлдуздан ориолги 90 градусгача дамон эттирамиз. Ана шунда у осмон экватори билан ҳут зодиак қўлдуз нуқтасида, эклиптика билан осмон экватори ҳам кесишиб баҳорги тенгкунлик нуқтасини ҳосил қилади.

Эрамиздан аввалги II асрда Гиппарх тенгкунлигини аниқлаган бўлса-да, фақат 1686 йилда Ньютон бунинг сабабини аъозлаб берган. Астрономида тенгкунлик нуқталарининг силжиб ўз ўрнини ўзгартириш ҳодисасига «Прецессия» дейилади. Лотин тилида прецессия — «Олдда боранлиш» дегани маъноии беради. Гиппарх даврида баҳорги тенгкунлик нуқтаси Ҳамал юлдуз туркумида бўлган. Прецессия ҳодисаси туфайли кейинчалик бу нуқта Ҳут зодиак юлдуз туркумига ўтган.

Шуниғдек, 1 градусни ўтишга 72 йил, 360 градусни ўтишга 26 минг йил керак бўлади. Шундай қилиб, қуёш эклиптика бўйлаб 26 минг йилда бир марта айланиб чиқади ва ўзининг аввалги ўрнига келади.

Саидбахром АЗИЗОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясн Фалакиёт институтининг илмий ходими.

ЁПИҚ БОЗОР: СЎНГГИ БОСҚИЧ

Суратли репортаж

⊙ Меҳнаткашларнинг Халқаро бирдамлик куни 1 Май байрами арафасида Ўрта Осиёда ягона бўлган ёпиқ бозорнинг биринчи навбати қурилишида ишлар янада авж олдириб юборилди.



МЕТРОНИНГ «Чорсу» бекатидан чиқишингиз биланоқ кўз ўнгингизда ястаниб турган улкан қурилиш майдончасига дуч келасиз. Қолишингиз шубҳасиз. Яқин бирларда ҳам бу ер ҳувиллаб ётарди. Инсонларнинг қизиқишсизлиги, ўзга-кетгаларнинг қайғиситгаси ёмон таъсир этарди. Ўтган йилда қурилишга дойдий муносабат барҳам тоди. Ёпиқ бозор қурилиши жадаллашди. Бунинг эвазига қисқа муддат ичида бу ерда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Иншоотни тиклашга жалб этилган ўнлаб энёд қурилиш ташкилотларининг мақсади замонавий лойиҳа асосида яратилаётган мовий гумбазли ёпиқ бозорни тезроқ фойдаланишга топшириш юзасидан ўзаро мусобақатга киришиб кетишган.

Шундан кейин эса 1905 йилнинг 1 Май куни социал-демократлар ишчиларга ярата мурожаат қилдилар. Бу варақа шу куни ишчиларга дълаат қилган эдн. Яширин тарзда шаҳар ташқарисига чиқишдн. Тезиклар дала-ҳовлиси жойлашган ерда ва бўзсув соҳилида ёнгилдилар.

Шундан кейинги мейжа 1906 йилнинг 1 Майида бўлиб ўтади. Россия социал-демократик партиясининг Тошкент комитети гуруҳи унга бағишлаб «Пролетар байрами» деган варақа чиқарди. Ишчилар шу куни ишга чиқмасликка даъват этди. Мейжа бу ган Қосрусь соҳилида бўлиб ўтади.

Шундан кейинги — реакция йилларида мейжалар тўпланиши тўхтатилди ва бўлди...

1911 йилга келиб эса ишчилар ҳаракати тўлқинланиб кўтарилди, деле сайёлари кўтарилди, деле сайёлари кўтарилди ва стачкалар билан уйғунлашиб кетарди.

Бу мейжаларнинг ҳаммаси огир шароитларда яширин тарзда ўтган.

Тошкентда биринчи мартя очиқ равишда 1 Май Улуг Октябрь социалистик инқилоби ғалабасидан сўнг, 1918 йилда нишонланди.

1918 йил 1 Майда фақат Тошкентдагина эмас, совет Туркистонининг шаҳарлари, қишлоқ ва овулларида ҳам пролетар бирдамлиги кунига бағишланган меҳнаткашларнинг кўп кишилик митинг ва намойишлари бўлди. Тошкентда эса кўпгина ишчилик митинг ва шодиёналар бўлди.

Ушандан бўён ҳар йили ҳам шаҳарларимиз Халқаро бирдамлик куни 1 майда ўз ишчи-зинат ларини бирдамлигига бўлган садоқатларини сайёлардан намоён қилиб келмоқдалар.

Бу ёки ҳам бу куч Меҳнат, Тинчлик, Ёшлик, Баҳт, Садоқат ва Бирдамлик шиорларини кўтариб келади.

Ҳамид АБРОРОВ.

Ишчилар қаҳрамонлиги

1886 йил 1 Майда Чикаго саноат корхоналарининг ўчдан ёки кўп ишчилари бир-бирлари билан «Меҳнкорнинг заводларга ёрдам ташкилий қилиш» талаб қилдилар, ишчилар ни оғир турмуш шароитга карши курашга чақирдилар. Ўтган йиллар давомида ишчилар ҳаракати ўсиб борган эди. Ишчилар тарзда шаҳар ташқарисига чиқишдн. Тезиклар дала-ҳовлиси жойлашган ерда ва Бўзсув соҳилида ёнгилдилар.

Шундан кейинги мейжа 1906 йилнинг 1 Майида бўлиб ўтади. Россия социал-демократик партиясининг Тошкент комитети гуруҳи унга бағишлаб «Пролетар байрами» деган варақа чиқарди. Унда Абу-Симбел ибодатхонаси ёнидаги Хей-маркет майдонида минглаб ишчилар йиғилишдн. Митинг тугаш олдида полициячилар-нинг катта гуруҳи нотиқлар сўзга чиқган ерда отрофини ўраб олди. «Гарахлинг!» — деган буйруқ берилди. Сўнгги нотиқ: «Биз-инг митинг — тинчлнс митинги», деб ғолди. Тевлар ишга тушди. Қуролланган полициячилар отрасида бомба портлади. Ундан бири ўлди. Полициячилар шу заҳотнёқ дуч келган томонга қараб ўт очдилар. Ишчилар йўлбошчилари қамоққа ташланди, суд қилинди. Тўрт киши осиб ўлдирилди, бир кишн ўзини ўзи ўлдирди. Бўронларга қаламга қозонди... Шундай қилиб 1 Май америкалик ишчиларнинг қаҳрамонона чиқишлари шарафига пролетарлнинг Халқаро бирдамлик куни бўлиб қолди.

Мурод ХАЛИПОВ.

Сайёралар шу ойда

⊙ ЗУҲРА — тонгги ғўринишн вақти намайиб 1 соатнн ташкил қилади. Шундай бўлса ҳам Балиқлар турқуми билан Шарқда баланд кўтарилади ва айнинг иккинчи ярнмда Жадди туркумига ўтади. 5 майда Зуҳра Юпитер-га 0,5° яқинлашади. Бу масофа осмонда Ой диаметрига тенгдир.

⊙ МАРС — нечтуғунлари Шимолн-гарбда 1,5 соат Бузоқ туркумида ва 3 декадада Эгизаклар туркумида кўринади.

⊙ ЮПИТЕР — тонгга яқин Балиқлар туркумида 1 соатларча кўринади.

⊙ САТУРН — тунннг 2-ярмида кўринади.

Майда Гамма-Акварид — тез учар ва узун изли метеорларни кузатиш мумкин. Бу метеор оқимининг маълум Галлей кометаси орбитаси бўйича ҳаракат қилиши фалаинётчиларга маълум.

Кузатиш максимуми 5 майларга тўғри келади.

⊙ МАЙ ойида Испания, Италия, Греция ва Монголияда нурғочнлнки ва мазнрама иссиқ кунлар бошланади. АҚШнинг гарбий қисмида ҳам нурғочнлнки бошланиб, бир томчи ёмғир ёғмайдн, ҳаво ҳамма вақт очиқ бўлади.

Тўхта ТЕМУРОВ.

Митти ҳажвиялар

АҲИЛЛИК

БИР оилада эр-хотин орасидаги баҳс-жанжал сира тўхтамас экан. Бундан хабар топган дўстлардан бири унга деди:

— Мен котинмн билан сира жанжаллашмайман. Негаки, уйда бош масалаларни мен ҳал қиламан, Майда-чуйда «маторалларни ҳал қилиш эса, хотинимнинг бўйнида.

Жанжаллардан тўйиб кетган эр дўстидан бош ва инсталаҳи — ҳаётда нималарни фарқини тушунтириб беришни илтимос қилди.

— Фарқи осон. Болаларнинг ўқиши, богчаси, рўзғор ишн, оилами бнлан қаерга бориб ҳордиқ чиқариш, кайси маркадаги машина сотиб олиш, ҳуллас шунга ўхшаш икир-чикирларни хотиним ҳал қилади. Мен эса, Испаниянн Умумий бозорга қабул қилиш керакми-йўқми, франкнинг қиймагини кўтариш маҳсадга мувофиқми, Қўшма Штатлар Никарагуа-нинг ишларига аралашишдан тўхтими ва бошқа шунга ўхшаш масалалар устида бош қотирамаи.

ПАНД ЕДИ

НИҲОЯТДА сохибкамол бир ёш ҳўжа олиқанобликда ном чиқарган мнистрнинг қабулига кирншга муяссар бўлди.

Менда қандай хизматлари бор? деб сўради министр ялтоқи ёшдан.

— Биласизми, — деди сохибкамол қимтиниб. — Бувимнинг ўлими ҳаққи берилмаяпти, президент ёки Госплнг ўзлари у кишидан ўпич олган экалар. Мен ҳам вақти келиб — невараларимга ҳикоя қилиб беришдан ўзимни олиб қочмайдиган бирортасига ўпич бериш орзусида юрибман.

Ана холос, — деди мамнун ҳолда министр ва аста ўрнидан туриб жувонниг елкасидан тутиб, ундан ўпич олмоқчи бўлганида, ёш ҳўжа ундан четга қочиб, фотоаппаратнинг кўчли ёруғини бир дамга ҳовлиқ ёритиб юборди. Кейин суратларнинг тирқишдан бошқаси кўринди:

— Не, не, министр жаноблари, иш жойларида ҳозирмиси йўқлари учун ўпич бнлан шуғулланаяпгилар, чоғи!

— Енди-ёқди учун ҳаққа «ўрайсиз? — деди министр министр ўзига олиз ва ақлга мурожаат қилди:

— Мени авф этсинлар, сиздан бир нарсани сўрамоқчимки, Иттифоқо, бу янгиликдан олинган ўпич президент Де Голга неча пулга тушганини билмайсизми?

Франциз тилидан
Шоазим МУНАВВАРОВ таржимаси.

Суратли ахборот

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

⊙ Жумҳуриятимизда кўплаб чалғувчи асбоблар ижрочилари ш фестиваль-кўриги бўлиб ўтди. Халқ-нкодчнги III Бутуниттифоқ фестивали доирасида ўтказилган ушбу тадбирга вилоятлардан 20 га яқин оркестр жамоалари иштирок этиб пойтахт мехнаткашларига миллий ҳунармандчилик ва санъат мактабининг талабалари, Намангандаги Ўзбекистонда эсадиган ЭНГ кучли шамол Бекобод — ЭНГ кучли шамол Ғозғон — Ўктамжон, энг аввало ўзинг айёмингиз муборак бўлсин.

— Раҳмат. Сизни ҳам табриклаймак!

— Кадим-қадимдан Хорazм санъатни кишиларни ҳайратга солиб келади. Шундай эмасми, Ўктамжон. Сизнингчи, нега шундай?

— Менимча, бу нарса юрт табиати билан боғлиқ. Она юртимнинг офтоби, одамларнинг сабр-бардошн ўзгача. Чунки унинг жўшқин дарёси, балиқларга тўла зумрад кўларн бор. Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами, чўл-саҳроларн ҳам ўзгача. Мана шу олам унинг санъатига таъсир кўрсатмай ўзмайдн.

— Кейинги пайтлар ўлкамизнинг тараддигнга эътиборни кучайтирилди. Сиз ҳам шу ҳақда ашулалар ёздингиз. Ўзингиз бу ҳақда нима дейсиз? Ўз ансамблингиз ҳақида нимя дейсиз?

Суҳбатдош **Давлатмурод САЪДУЛЛАЕВ.**

ОҚИН ҚИЗИ

Шеринёз оқининнг қизи бир куни оталарнга ўғлн ҳақида ёзган шеърларнни кўрсатиб, ундан фикр сўрабди. Ота шеърларни ўқиб чиқиб, Ажиқ ҳузурига келиб, ундан ҳам шеърларни кўрсатиб, ундан фикр сўрабди. Ажиқ ўқиб чиқиб, қизга қайтариб берибди. Қизнинг кўнглига қараб, ота-онаси ҳам донишманд чолнинг сўзига эътибор беришмабди.

Шундай қилиб, ой-куни етиб Ойсулув қиз туғибди. Ҳалиги қимматбаҳо тошни ярим этиб, қизга қалқа деб ном қўйибди.

Ойсулувлари билан ўн тўрт ёшидаёқ Ажиқнинг номи ер юзига таралибди. Шундай қилиб, қизга ҳушгор бўлганлар нинг сони кундан-кунга ошиб боравериб ди. Бу хабар хонга ҳам етиб боribди. Хон ҳиндан ўзидаги бўлиб, соччи юборибди. Бироқ, Ажиқ унинг давлатига ҳам, шон-шуҳратига ҳам қизиқмабди, розилик бермабди.

Жаҳлига минган хон лашкар тўплаб, тўсатдан ўзбекка ўтибди. Қизнинг етти акаси синглисининг номуси учун жанга кирибди. Ғалаба қозонибди. Хорazм шаҳзода лари ғолиблигини эшитиб, Ажиқни олиб кетибди. Ажиқ ўзбек йигитларининг ҳам, қизларининг ҳам ҳаётини ўзгартирибди.

Ҳозир Ажиқ Тошкентда яшайди. Ўзбек тилини ўрганиб, ўзбек халқининг ҳаётини ёзмоқда.

Ажиқ.

БУ ХАЁЛИНГ ПУЧ

(САҲНА АСАРЛАРИ ПАРОДИ)

ОНА: Дадаси, мана бугун уйда меҳмонлар бор — жиянларингиз келишган. Ваъдангиз бўйича бир маданий дам оламиз. Ўғлингиз ўйнаб бўлдн ҳаммамизни театрга олиб борасиз «АИДА» деб.

ОТА: Онаси, спектакларнинг номлари-ғидан нимани бошламоқчнсиз шекилли. Мана бу «ПОШМА. Ку ЕШЬ» дейсиз, жуда ёқасан-да — «ОЛОВЛИ ФАРИШТАМ».

ОНА: Ҳой, дадаси, мақтаб мени уялтирманг, уйда «КУЕВ» бор-а.

ҚАЙИН СИНГИЛ: Почта, театрга ҳар қайси ишлаб чиқаришга ўхшаб кетди бугун бизлар боримизда «ПАРВОНА» бўлганисизми?

ОНА: Синглисим, почтанг сўзида турсин. сен ўйлаган «ОЛИФТА»ларда эмас.

ОТА: Ўғлим, хозлан билан ойинг мени асабимда ишлаб, ишдан қочирди. Энди бер-бор, индамасанг ТЎҒДАН ОЛДИН ТОМОША» кўрсатмоқчи.

ЎҒИЛ: Дада, театрга борамиз деб кўзгатаётган мана шу кичик холам — «МАЙСАРАНИНГ ИШИ».

ОТА: Майли, хурсандчилик бўлаверсин, олиб бораман, бирибир театрга борамиз деб улар «ЙОЛДУЗЛИ ТУНЛАР» да режа тузиб қўйишган.

ЎҒИЛ: Дада, боradигган бўлсак, ҳаммамиз тез отланайлик. Базъзилар йўлдаги (синглисига ишора қилиб), имиллаб от-

Қатралар

ОНА-ЕР

Олма ниҳолдан билан
бир сафга ажлнб олгандн
шафтоли ҳам қилдек илдизчалар чиқарди. Тупроққа
илашди. Энди Она-ер нурвақтидан ҳаҳрамон, Танига сув
югурди. Куртак-киприкларнн
ва гиперлаган, бирнни марказга-нам тотгёи шу жойга бегубор меҳрини боғлади.

Ҳнеч вақт ўтмай богбон:

Қозонлари масаллиғлар
бир-бирига қулоқ солмай
«жнг-бнг» қилади:

Қўчоқ шамолдар, Унинг тезлнги секундига 25-30 метрга етади.

⊙ Июль ойи ўлкамизда ЭНГ иссиқ ой ҳисобланади. Бу ойда Термизда жуэйин ҳарорат 38 даражага бўлади.

⊙ Июлнм жиқатдан жуъкурғиятимизнинг ёзда ЭНГ иссиқ бўладиган шаҳарлари Термиз (+36,5°), Карши (+49°), Бухоро (—47°) ҳисобланади.

⊙ ЭНГ совуқ ой эса январдир. Бу пайтда Нукусда 32 даражагача совуқ бўлади.

⊙ Кўбшнинг ЭНГ кўп нур со-

ОБ-ҲАВО ВА ТАБИАТ ҲОДИСАЛАРИ

чиб турадиган даври тўрт ой давом этади: — июнь, июль, август—сентябрь.

⊙ Энг кичик даври эса декабрь, январь, февраль ойларидир.

⊙ Энг кўп ёғинларнинг бўладиган жой — Қизил-шон ва Чоткол тоғлн райони-ларидир. Бу ерларда ҳар йили ўртача 400—800 миллиметр ёмғир ёғади.

⊙ Энг кам ёғингарлнкка эса Қизилқум ҳудудида бўлиб, йиллик ёғиш 100 миллиметрдан ошмайди.

Ортиқ МАХМАЮСУПОВ.



БАҲОРИНГИЗ ҚАНДАЙ ЎТАЯПТИ?

Ҳурматли редакция! Баҳор фаслида одам толиқса, қандай тадбир кўриб даволаниши керак?

Ҳайитбой НОРМЕТОВ,
ҳуқуқшунос.

Баҳорда айрим кишилар ўзида камқувватлик, ҳорғинлик сезишиб, шифокорларга мурожаат этиш ҳоллари учраб туради.

Ҳўш, камқувватлик, ҳорғинликнинг сири нима? Бунинг сабаблари кўп: киши вақтида меҳнат қилиб, вақтида дам олмаслиги, ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат билан мўътадиллаштириб бормаслигидир. Бундай ҳолат давом этаверган сайин аъзои баданда нафас олиш, юрак-қон томирлари фаолиятида бузилиш содир бўлади. Овқат истеъмол қилиш ва ҳазм бўлиш ҳам бузилади. Бундай ҳолат оқибати танада дармондори етишмаслигига олиб келади. Оёқ-қўлларнинг увишиши, ҳаракатларнинг сусайиши, уйқусизлик, бедармонлик ҳам дармондориларнинг етишмаслигидан юз беради.

Дармондорилар ўз хоссаларига кўра ҳаёт манбаи ҳисобланиб, танамиздаги тирик ҳужайраларда бўладиган кимёвий ўзгариш-ҳолатларни таъмин этиб туради. Айниқса, овқат билан истеъмол қилинган оқсил, ёғ ва маъданли сувларнинг парчаланишида муҳим вазифани бажариб боради. Айрим кишиларда кўп ухлаш ёки уйқусизлик, милклар бўшашиб тишнинг тушиши, милкнинг қонаши, терининг кўкариши С дармондориси етишмаслигидан бўлади. Бундай ҳолатда эрта етиштирилган редиска, карам, кўк пиёз, кашнич, укроп, исмалоқ, равоч, шовул каби ошқўкларни таом билан кўпроқ истеъмол қилиш керак.

Баҳорда турли кўкатли овқатларни истеъмол қилиш билан бирга, меҳнатдан сўнг яхши дам олиш, ҳаво алмаштириш, жисмоний тарбия машқлари билан шуғулланиш, табиатнинг сўлим оромгоҳларига сайру саёҳат қилиш ҳам кишига ором ва дармон бағишлайди.

Баҳром МАМАТҚУЛОВ,
Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармасининг ташкилий бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди, доцент.

Яйраб дам оласиз

⊙ **ШАҲРИМИЗДАГИ Тельман номли маданият ва истироҳат боғи янги мавсумни деярли бир ой олдин бошлаб юборди.**

Бу йил дам олувчиларни мамнун этадиган қатор янгиликлар амалга оширилади. Аттракционлар сони ўн тўрттага етди. Уччала янги аттракцион асосан болалар ва ўсмирлар учун яхши совға бўлди. Ўқувчи ёшларда компьютер саводхонликни оширишга қаратилган тадбирлар ҳам кўпчилик эътиборини ўзига тортмоқда. Эндиликда «Компьютер зали» ҳамда «Электронли кегельбан» хоналари болалар билан гавжум бўлмоқда.

Бундан ташқари боғдаги видеосалон қайта жиҳозланиб, нафис сайқал топди. Унда киносанъаткорлар яратган янги фильмларни кўрсатиш йўлга қўйилди.

А. АКБАРОВ.

Табиатшунослар байрами

⊙ **КУНИ кеча шаҳар табиатни муҳофаза қилиш жамиятининг Фрунзе район шўъбаси Киров номли истироҳат боғида мактаб ўқувчиларининг кўргазмасини ташкил қилди.**

Кўргазмага ўқувчилар ўзлари асраб-боқишаётган тошбақа, тўти, илон, калтакесак, қуён, каптар сингари ҳайвонот оламининг ажойиботларини олиб келишди. Бинобарин, 172-мактабнинг О. Азимова, Е. Гереншгейн, 127-мактабнинг И. Давидов, Б. Бадалова сингари тажрибали ўқитувчилари табиатшунослар байрамида фаол қатнашишди. Бундай хайрли тадбирлар ёшларни она-табиатимизни севишга чорлайди, ҳайвонлар ва ўсимликларга нисбатан бефарқ бўлмасликка ундайди.

Д. БОБОМУРОДОВ.

«Ҳар доим бўлсин тинчлик»

⊙ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ М. Горький номли болалар истироҳат ва маданият боғида ўтказилган кеча «Барча сайёраларда ҳар доим тинчлик бўлсин» деб номланди.**

Кечага йиғилган ёшларда Ленин районидаги 22-болалар мусиқа мактаби ўқувчиларининг «Нафосат» ансамбли ҳамда Крупская номли Республика пионерлар саройи ўқувчиларининг чиқишлари катта таассурот қолдирди.

Шу куни боғда баҳорга бағишланган «Қўшиғимда сени шарафлайман, Ўзбекистоним менинг» деб номланган байрам тантанаси ҳам ўтказилди.

О. ЮСУПОВ.

Ўқувчилар саёҳатда

⊙ **Олим Тожиев, Дилшод Турдиев, Зуҳриддин Азимов... А. Ҳўжаев номидаги 12-ҳунар-техника билим юртида булар каби аълочи ўқувчилар талайгина.** Кўпчилигининг сурати илмий даргоҳга қираверишдаги «Ҳурмат тахтаси»дан ўрин олган.

— Рағбатлантириш яхши йўлга қўйилгани учун аълочилар тобора кўпайиб бормоқда, — деди билим юрти директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари Т. Назаров. — Битирувчига одатда касб мутахассислиги бўйича 2-3, ўқишни аъло баҳолар билан тугатганларга эса 4-разряд берилаяпти. Бундан ташқари, группалар ўртасида социалистик мусобақа ташкил этилган.

Яқинда ижодий беллашувнинг 1-квартал якунлари аниқланди. Голиблар — 40, 55, 60, 71, 72-группаларда таълим олаётган ўқувчилар автобусда Тошкент шаҳрининг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш учун саёҳатга чиқишди.

С. ШОДИЕВ.

Муҳаррир Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

11 МАЙ КУНИ СОАТ 20.00 ДА

12—13 МАЙ КУНЛАРИ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИ ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁУ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «ЁШЛАР УЙИ»

СИЗ, АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИНИ

СОВЕТ-ҲИНД ДЎСТЛИГИ ДОИРАСИДАГИ

«Дўстлик тароналари»

КАТТА КОНЦЕРТИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР

Эътиборингизга «Камолот-89» жумҳурият кўриги ғолиби, хушовоз хонанда МУҲРИДДИН ХОЛИҚОВ раҳбарлигидаги «НИҲОЛ», шунингдек фестиваль ва ойнаи жаҳон орқали таниш бўлган О. К. ШАРМА раҳбарлигидаги «МАҲЭК» ансамбллари ўзларининг биргаликдаги программаларини тақдим қиладилар.

Ўйлаймизки, бу томошалар сизга албатта маъқул бўлади.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда, Кўпчилик бўлиб келиш учун аризалар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-93-63.

АЗИЗ КИНО МУХЛИСЛАРИ!

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА
30 АПРЕЛДАН 6 МАЙГАЧА

«ТЕМИР ХОТИН»

ИККИ СЕРИЯЛИ ҲАЖВИЙ БАДИИЙ ФИЛЬМИ НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

Сценарий муаллифлари: Ш. БОШБЕКОВ, И. ТУЙЧИЕВ.

Режиссер: И. ЭРГАШЕВ.

Ролларда: Ғ. АЪЗАМОВ, Д. ЭГАМБЕРДИЕВА, М. РАЖАБОВ, Ж. ЗОКИРОВ.

Фильм «Ўзбекфильм» киностудиясининг «Юлдуз» ижодий уюшмасида яратилган. Бу фильм етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган томошабинларга мўлжалланган бўлиб, барчангиз оила аъзоларингиз, ёру дўстларингиз, қон-қариндошларингиз билан томоша қилишингиз мумкин.

СЕАНСЛАР СОАТ 11, 13.30, 16, 18.30 ДА БОШЛАНАДИ.

Телефон: 77-06-20.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА
1 ВА 2 МАЙ СОАТ 13.00, 16.00, 19.00 да
ИСФАНДИЁР асари

«ОТАСИНИНГ ҚИЗИ»

(2 пардали комедия)

Билетлар театр кассасида ҳар куни соат 10.00 дан соат 19.00 гача сотилади.

Кўпчилик бўлиб келиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Жавоб берувчи телефон — 44-56-52.

Ўзбекистон ССР Маданият вазирлиги М. Қориёқубов номли Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

«БАҲОР ТАРОНАЛАРИ»

М. ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ БАДИИЙ ҚОЛЛЕКТИВЛАРИ ВА ЕТУК ХОНАНДАЛАРИНИНГ

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

5 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
Аҳмаджон ШУҚУРОВ

«ЗАРАФШОН» ФОЛЬКЛОР ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ.

6 май соат 19.30 да
Раҳматжон ҚУРБОНОВ
«ЛАЗГИ» ВОКАЛ-ХОРЕОГРАФИК АНСАМБЛИ

9, 10 май соат 19.30 да

Ўзбекистон ССР халқ артисти
Ғуломжон ЁҚУБОВ

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан сотилади.

«Ўзбекконцерт»

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1 МАЙ СОАТ 19.00 ДА,
2 МАЙ СОАТ 15.00 ВА 19.00 ДА
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ АРТИСТИ
НУРИДДИН ҲАМРОҚУЛОВ

ИШТИРОКИДА

«АЙЁМИНГИЗ МУБОРАКІ»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист
ГУЛЧЕҲРА ФОЗИЛЖОНОВА

Хонандалар: ДАДАХОН ҒАНИЕВ.
ҲОТАМЖОН ЎРИНБОЕВ.

Концертдан тушган маблағнинг бир қисми БОЛАЛАР ФОНДИГА ва бир қисми ОРОЛ ФОНДИГА ўтказилади.

Программани сўз устаси
МАШРАБ НАЗАРОВ олиб боради.

Касса соат 11.00 дан очиқ.

«ЮБИЛЕЙ» МАРКАЗИЙ СПОРТ САРОЙИДА
5, 6, 7, 8, 9 МАЙ СОАТ 16.00 ВА 19.30 ДА

«ДЎСТЛАР ДАВРАСИГА МАРҲАМАТ!»

ҚАТНАШАДИЛАР!

Чимкентлик хушовоз хонанда
РУСТАМ ҒОИПОВ
Ўзбекистон ССР халқ артисти
МАЛИКА АҲМЕДОВА
«Қизиқчи-89» конкурсининг ғолиби
Мирза ХОЛМЕТОВ
ва
Ғавҳар АМИНОВА, Баҳтиёр ҚОСИМОВ, Ғайбулла НУРҲЎЖАЕВ, Ўктам МЎМИНОВ иштирокида
ҚАТТА КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Программани — Раҳматулла МИРЗАЕВ олиб боради.
Саҳналаштирувчи режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР давлат мукофотининг совриндори Абдурашид РАҲИМОВ.
Касса соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.
Телефон 45-93-63.
Билетлар Спорт саройи ва СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида сотилмоқда.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 1/V да **Ўзбекистон ССР халқ артисти Малика Аҳмедова иштирокида байрам концерти** (18.00), 2/Vда **Етакчи опера ва балет солистларининг концерти** (18.00), 3/Vда **Севги тумори** (19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 30/IV да **Ака-ука совчилар,** 1/V да **Байрам концерти** (19.30), 2/V да **Байрам концерти** (19.30), 3/V да **Ака-ука совчилар** (19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/IV да **Майсаранинг иши, Фармонбиби араздади** (17.00), 1, 2/V да **Отасининг қизи** (13, 16, 19.00).

КИНО

30 АПРЕЛДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, К. Ерматов номли «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти», катта зал, 17, 20.00); «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 18, 20.45).

Чайка — «САБР КОСАСИ» (21.00); «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 18.30).

Москва — «УЧРАШУВ» (18.30, 20.40).

Восток — «ВЕВОШ ЭРКАКЛАР» (17, 19, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «ВЕВОШ ЭРКАКЛАР» (21.30).

Тошкент Советининг 50 йиллиги — «САБР КОСАСИ» (19.00); «ВИТЕБСК ИШИ», 1-фильм, «ЖИНОЯТ» (17, 21.00).

К. Ерматов номли — «ЖАНОВ ҲИНДИСТОН» (18.30, 20.00); «ХОН ГИЛЬ ДОН» (17, 21.00).

1, 2 МАЙДА БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, К. Ерматов номли «Ўзбекфильм» киностудияси маҳсулоти», катта зал, 11, 14, 17, 20.00); «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 12, 15, 18, 20,45).

Чайка — «САБР КОСАСИ» (21.00); «ТЕМИР ХОТИН» (ўзбек тилида, 11, 13.30, 16, 18.30).

Москва — «УЧРАШУВ» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.40).

Восток — «ВЕВОШ ЭРКАКЛАР» (11, 13, 15, 17, 19, 20.45).

Фестиваль (ёзги) — «ВЕВОШ ЭРКАКЛАР» (21.30).

Тошкент советининг 50 йиллиги «САБР КОСАСИ» (11, 15, 19.00); «ВИТЕБСК ИШИ», 1-фильм «ЖИНОЯТ» (13, 17, 21.00).

К. Ерматов номли — «ЖАНОВ ҲИНДИСТОН» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.00); «ХОН ГИЛЬ ДОН» (12, 14, 17, 21.00).

Акмал Икромов ноҳия партия қўмитаси, халқ депутатлари ноҳия Кенгаши ва Ижроия комитети ноҳия ветеранлар Кенгашининг раиси

Тўхта ҲАКИМОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент метрополитени жамоаси ҳаракатдаги состав хизматининг бошлиғи Х. Маҳамедовга онаси

Жўрахон АҲМЕДОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЗЕНИТ-7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ

(Чехов кўчаси, 10, метронинг «Ойбек» станцияси)

ЭНГ КИЧИК ЁШДАГИ ГЎДАКЛАР УЧУН «САШЕНЬКА» ВА «КАТЮША» БОЛАЛАР АРАВАЧАЛАРИНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ

Болалар аравачаси — кичик инсоннинг энг биринчи транспорти бўлиб, у албатта қулай ва кўркам бўлиши шарт.


Агар хонадонингизда янги меҳмон кутилаётган бўлса «Зенит-7» фирмали техно-савдо марказига шу бугуноқ киришингизни маслаҳат берамиз.

Бу аравачаларнинг бир турини конструкторлар эркалаб «САШЕНЬКА» деб номлашган. Қизил, оч жигар ранг, кулранг тусли чиройли қоплама материаллар аравачага алоҳида кўрк бағишлайди.

Аравачанинг тузилиши ниҳоятда қулай: машинага чиқишда уни осонгина йиғиб қўйиш мумкин, ихчам, даҳлизда балконда ва хонада айтарли кўп жойни эгалламайди.

Аравача термаси: ёстиқча, тўшак, ёстиқ жилди, тўшак ғилофи, халта ва халта осиладиган илгакдан иборат.





«КАТЮША» деб номланган иккинчи тур аравачалари чет эл моделларидан қолишмайди, чунки унинг безак жиҳозлари ниҳоятда чуқур ўйланган: чиройли қоплама материал, ўткир қуёш нуридан тўсиб турувчи дарпардалар шулар жумласидандир.

Аравача багаж-сетка билан жиҳозланган бўлиб, унда 5 кг. гача, халта осиладиган илгакда эса 3 кг. гача юкни бемалол ташиш мумкин.

Иккала модель ҳам «Воткинский завод» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган.

Баҳоси — 65 сўм, 70 сўм ва 115 сўм.

Иш вақти — соат 10 дан 19 гача. Танаффус соат 14 дан 15 гача. Дам олиш куни — душанба.

СУРАТ ЧИҚАРИШНИНГ ҚАМ-КЎСТСИЗ РАНГИНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Агар сиз рангли суратга олиш билан шуғулланадиган бўлсангиз, тажриба тариқасидаги сурат чиқарувчи қурилма — «СПЕКТРОЗОН — 1»ни тавсия этамиз. Мазкур қурилма сурат тасвири теграси бўйича объектга хос маълум рангларга мувофиқ сурат чиқариш шартларини аниқлаш имконини беради.

Қурилма ҳаворанг, яшил, қизил ранглар термаси бўлган кошинчали ёруғлик фильтри билан таъминланган.

Ёруғлик фильтрининг ҳажми билан фарқ қилувчи икки хил кўриниши мавжуд:


биринчисининг ҳажми — 60х60х5 миллиметр,


иккинчисининг ҳажми — 90х90х5 миллиметр.

Қурилманинг оғирлиги (ёруғлик фильтри термаси ва ғилофсиз) 250 граммдан кўп эмас.

Нархи — 26 сўм ва 35 сўм.

«СПЕКТРОЗОН —1»нинг кафолатли хизмат муддати — 18 ой.





УЙДАН ЧИҚМАЙ ДАВОЛАНИШНИ ИСТАСАНГИЗ...

Агар сизни қаттиқ бош оғриғи, остеохондроз, орқа мия нервларининг касалланиши, уч шохли нерв невралгияси, операциядан кейинги оғриқ ёки орқа мия жароҳатидан кейинги оғриқ қийнаётган бўлса.

ЭТНС — 100 —1 ва ЭТНС — 100 — 2 ОҒРИҚНИ ҚОЛДИРУВЧИ ТРАНСКУТАН ЭЛЕКТРОНЕЙРОСТИМУЛЯТОРЛАРИНИ

СОТИБ ОЛИНГ

Биологик фаол нуқталарга импульсли электр токи билан таъсир этиб сиз ҳеч қандай дори-дармонсиз ором топасиз, янада тетиклашасиз!

Турли хасталикларда таъсир этиш нуқталари қурилмаларни қўллаш бўйича СССР Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасдиқлаган қўлланма схемаларида кўрсатилган.

ЭТНС — 100 — 1нинг нархи 60 сўм.

ЭТНС — 100 — 2нинг нархи — 84 сўм.

Иш вақти — соат 10 дан 19.00 гача, танаффус соат 14 дан 15.00 гача. Дам олиш куни — душанба. Телефон 54-04-92.

«ЗЕНИТ-7» ФИРМАЛИ ТЕХНО-САВДО МАРКАЗИ (телефон 54-04-92).

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.

Р—03196.

Тиражи 139.200. Индекс 64690. Д—2201.

1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.